ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 1065 **2021 йил «14» апрель**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14 ва 16-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари ва округ сайлов комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 15 сентябрдаги 732-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Б. Кучкаров зиммасига юклансин.

Раис **З. Низамходжаев**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2021 йил 14 апрелдаги 1065-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низом

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига (бундан буён матнда Сайлов кодекси деб юритилади) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг (бундан буён матнда округ сайлов комиссиялари деб юритилади) фаолияти тартибини белгилайди.

I боб. Сайлов округларини тузиш

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари (бундан буён матнда сайлов округлари деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) томонидан тузилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан округ сайлов комиссиялари жойлашган ери тўғрисидаги маълумотлар Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

3. Сайлов округларининг рўйхатлари уларнинг чегаралари, сайловчилар сони ва округ сайлов комиссияларининг жойлашган ери кўрсатилган ҳолда сайловдан камида етмиш беш кун олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади ҳамда расмий веб-сайтда, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

II боб. Округ сайлов комиссияларини тузиш

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари Марказий сайлов комиссиясига округ сайлов комиссиясининг аъзолигига номзодларни сайлов округлари тузилганидан сўнг уч кун ичида тавсия этади.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари жамоатчиликнинг обрў-эътиборли вакиллари орасидан тасдиқланади.

5. Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва олти – саккиз нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилади.

6. Округ сайлов комиссиялари шахсий таркиби унинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва комиссия аъзоларини, шунингдек уларнинг иш жойи кўрсатилган ҳолда Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ҳамда оммавий ахборот воситаларида сайловга камида етмиш кун қолганида эълон қилинади.

III боб. Округ сайлов комиссияларига аъзолик

7. Округ сайлов комиссияси аъзосига мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда гувоҳнома берилади.

Округ сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва комиссия аъзоларининг гувоҳномалари Марказий сайлов комиссиясининг раиси томонидан имзоланади.

8. Округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоси сайлов ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

9. Округ сайлов комиссияси аъзоси округ сайлов комиссияси таркибидаги фаолияти даврида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида назарда тутилган давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш билан боғлиқ кафолатлардан фойдаланади.

10. Округ сайлов комиссиясининг аъзоси Сайлов кодексининг 25 моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан қуйидаги ҳолларда ўз вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкин:

ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясига ёзма ариза берганда;

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 25, 40, 43-моддалари талабларини бузган ёки Сайлов кодексининг 22-моддасида белгиланган зиммасидаги мажбуриятларига мунтазам равишда эътиборсизлик қилган тақдирда.

Бунда комиссия аъзосининг Сайлов кодекси талабларини бузганлиги ёки зиммасидаги мажбуриятларга мунтазам равишда эътиборсизлик қилганлигига оид ҳолат у аъзо бўлган сайлов комиссиясининг далолатномаси билан расмийлаштирилади.

11. Сайлов кодексининг 25-моддасига мувофиқ қуйидагилар сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас:

бошқа сайлов комиссияларининг аъзолари;

сиёсий партияларнинг аъзолари;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари;

прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари;

номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар.

Округ сайлов комиссиясининг янги аъзоси Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси ва ушбу Низомда белгиланган тартибда тасдиқланади.

IV боб. Округ сайлов комиссияларининг ваколатлари

12. Округ сайлов комиссияси:

сайлов округи ҳудудида Сайлов кодекси ижроси устидан назоратни амалга оширади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди;

сайлов участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади;

участка сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг таркиби ҳақидаги маълумотларни эълон қилади;

участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

сайлов участкаларининг жойлашган ери ҳақида сайловчиларни хабардор қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;

сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотини эшитади;

сайловчилар рўйхатларининг тузилишини ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

участка сайлов комиссияларига ташкилий-услубий ёрдам беради, уларни сайловга оид қонун ҳужжатлари, шу жумладан Марказий сайлов комиссиясининг низомлари, йўриқномалари ва бошқа ҳужжатлари билан таъминлайди;

пул маблағларини участка сайлов комиссиялари бўйича тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ҳамда сайловни моддий-техника жиҳатдан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

сиёсий партияларнинг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчиларига ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда мандат беради;

округ сайлов комиссияси ҳузуридаги матбуот марказининг фаолиятини ташкил этади;

сайловчилар, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакилларига муддатидан олдин овоз бериш ўтказиладиган вақт ва жой ҳақидаги маълумотларни етказади;

сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва уларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов ўтказилишини ташкил этади;

сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни (ўқув машғулотлари, семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва ҳоказоларни), шу жумладан участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ўтказади.

13. Округ сайлов комиссияси раиси:

округ сайлов комиссияси фаолиятига раҳбарлик қилади;

округ сайлов комиссияси мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади ва уни ўтказиш тартибини белгилайди;

комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

округ сайлов комиссияси мажлисларида иштирок этиш учун давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, ташкилотлар вакилларини ва бошқа мансабдор шахсларни таклиф этади;

давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан муносабатларда округ сайлов комиссияси номидан иштирок этади;

округ сайлов комиссияси жойлашган бинонинг жиҳозланишини ташкил этади;

округ сайлов комиссиясининг қарорлари, участка сайлов комиссияси раислари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кузатувчилари, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари гувоҳномаларини ҳамда бошқа ҳужжатларни имзолайди;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни комиссия аъзолари ўртасида кўриб чиқиш учун тақсимлайди;

округ сайлов комиссияси аъзоларининг овоз бериш кунидаги вазифаларини белгилайди;

сиёсий партияларнинг кузатувчилари, ваколатли вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари билан комиссия номидан иш олиб боради;

сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, ҳуқуқбузарликка оид материалларни тўплаб судга тақдим қилади;

Ўзбекистон Республикаси бюджетидан участка сайлов комиссияси фаолиятини таъминлаш учун ажратилган маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди ва уларнинг мақсадли фойдаланишини назорат қилади;

округ бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг якунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссиясига ахборот беради;

Сайлов кодексига ҳамда мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Округ сайлов комиссияси раиси ўз ваколатларини бажара олмаган, шунингдек округ сайлов комиссияси раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари раис ўринбосари ёки округ сайлов комиссияси қарори билан комиссия аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилади.

14. Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари:

округ сайлов комиссияси раиси ўз ваколатларини бажара олмаган тақдирда, унинг ваколатларини амалга оширади;

комиссия аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

округ сайлов комиссияси аъзоларининг малакасини ошириш ва уларнинг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этади;

оммавий ахборот воситалари вакиллари билан алоқалар ўрнатади, уларда комиссия фаолиятини ҳар томонлама ёритилишини ташкиллаштиради;

сиёсий партияларнинг кузатувчиларини, ваколатли вакилларини, оммавий ахборот воситалари вакилларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни тегишли сайлов комиссияси томонидан берилган ҳужжатлар асосида рўйхатга олишни ташкиллаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларни, шунингдек уларнинг вакилларини қабул қилади ва уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқишни ташкил этади;

округ сайлов комиссияси аъзоларини жалб этган ҳолда комиссия қарорлари ижросини таъминлайди;

округ сайлов комиссияси раисининг топшириқларини бажаради;

ўз ваколатлари доирасида округ сайлов комиссиясининг бошқа аъзоларига топшириқлар беради;

Сайлов кодексига ҳамда мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Округ сайлов комиссияси котиби:

округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари ўз ваколатларини бажара олмаган тақдирда, унинг ваколатларини амалга оширади;

округ сайлов комиссияси мажлисларини ташкиллаштиради, муҳокама этиладиган масалалар бўйича қарор ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

округ сайлов комиссияси аъзоларини комиссия мажлиси ўтказилиши вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади;

участка сайлов комиссияси масъул аъзоларининг Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (бундан буён матнда – СЯЭР деб юритилади) билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

округ сайлов комиссияси раиси ва раис ўринбосари топшириқларини бажаради;

округ сайлов комиссиясининг фаолиятига тааллуқли иш ҳужжатларини номенклатура асосида юритиб боради;

Сайлов кодексига ҳамда мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Округ сайлов комиссиясининг аъзоси:

округ сайлов комиссияси раиси томонидан тақсимланган тақсимотга асосан ўзига юклатилган вазифаларни ҳамда раис ва унинг ўринбосари топшириқларини ўз вақтида, сифатли бажаради;

округ сайлов комиссияси мажлисларида қатнашади;

кўриб чиқиш ўзига юклатилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини таъминлайди;

округ сайлов комиссияси раиси томонидан овоз бериш кунидаги белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, улар тўғрисида дарҳол раис ёки раис ўринбосарини ҳабардор қилади;

Сайлов кодексига ҳамда мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

17. СЯЭРдан фойдаланишни ташкиллаштириш мақсадида округ сайлов комиссияси аъзоларидан бирига қўйидаги вазифалар юклатилади:

участка сайлов комиссияси аъзоларига Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимига (бундан буён матнда СЖБАТ деб юритилади) кириш учун тегишли маълумотларни бериш;

участка сайлов комиссиялари томонидан СЖБАТ да амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириб бориш.

18. Округ сайлов комиссияси унга ажратилган Давлат бюджети маблағлари ёки қонунда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан, шунингдек волонтёрлик асосида округ сайлов комиссияси фаолиятига кўмаклашиш учун мутахассисларни жалб қилиши мумкин. Мазкур мутахасисслар округ сайлов комиссияси мажлисларида овоз бериш, сайлов натижаларини аниқлаш, баённомаларни тўлдириш ёки имзолаш ҳуқуқига эга эмас.

19. Округ сайлов комиссияси Сайлов кодексининг 26-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмаларининг органларига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, улар қўйилган масалани кўпи билан уч кунлик муддатда кўриб чиқиши ва округ сайлов комиссиясига жавоб қайтариши шарт.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар округ сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишида кўмаклашиши, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этиши шарт.

V боб. Округ сайлов комиссиялари ишини ташкил этиш

20. Округ сайлов комиссияси ўз фаолиятини қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари асосида амалга оширади.

21. Округ сайлов комиссияси ишининг ташкилий шакли унинг заруратга қараб ўтказиладиган мажлиси ҳисобланади.

Округ сайлов комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

22. Округ сайлов комиссиясининг мажлиси раиснинг ташаббусига кўра ёки комиссия аъзолари умумий таркибининг камида учдан бир қисми талабига биноан чақирилиши мумкин.

23. Округ сайлов комиссиясининг қарори очиқ овоз бериш йўли орқали комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

24. Округ сайлов комиссияси мажлисларида масалалар очиқ ва ошкора муҳокама этилади.

Мажлисда кун тартиби, унда иштирок этаётган комиссия аъзоларининг исми, фамилияси, отасининг исми, кўрилган ҳар бир масала бўйича овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарор акс этган баённома юритилади. Баённома раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Округ бўйича сайлов натижаларини белгилаш тўғрисидаги баённома комиссиянинг мажлисида иштирок этган барча аъзолари томонидан имзоланади.

Баённомага мажлисда қабул қилинган қарор, хулосалар ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек комиссия аъзоларининг у ёки бу масала юзасидан алоҳида фикрлари бўлса, ёзма шаклда илова қилинади.

25. Округ сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурийдир.

26. Округ сайлов комиссияси мажлисларида Марказий сайлов комиссия аъзолари, рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партияларнинг кузатувчилари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши мумкин.

Мажлисларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари вакиллари ва бошқалар таклиф этилиши мумкин.

27. Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланганидан сўнг қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

Бир кунлик муддатда округ сайлов комиссиясининг биринчи ташкилий мажлисида қўйидаги масалаларин кўриб чиқади:

округ сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир иш режасини тасдиқлаш;

округ сайлов комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

округ сайлов комиссияси аъзолари томонидан сайловчиларнинг ҳар кунги қабулини ташкил этиш;

округ сайлов комиссияси аъзоларининг навбатчилигини ташкил қилиш.

Округ сайлов комиссияси жойлашган бинони белгиланган тартибда жиҳозлашга зарур бўлган ташкилий ишларни амалга оширади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни (ўқув машғулотлари, семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва ҳоказоларни) ташкил этади.

Участка сайлов комиссияларининг ишини ташкил қилиш ва биноларни жиҳозлашда амалий ёрдам кўрсатади.

Сайловчилар рўйхатларининг тузилишини ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради.

Сайлов бюллетенларини сайлов участкалари бўйича тақсимлайди ва етказиб берилишини ташкиллаштиради.

28. Округ сайлов комиссияси 3-иловага мувофиқ тасдиқланган муҳрга эга бўлади.

29. Округ сайлов комиссияси раиси ёки раис ўринбосари округ сайлов комиссиясига ташриф буюрган сиёсий партияларнинг кузатувчилари, ваколатли вакиллари, номзоднинг ишончли вакиллари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, шунингдек, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни тегишли ҳужжатлар асосида рўйхатга олади ва қабул қилади.

30. Округ сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари ёки котиби Марказий сайлов комиссиясига сайлов округи ҳудудида овоз бериш жараёнининг бориши ҳақида ҳар соатда хабар бериб боради.

VI боб. Округ сайлов комиссияларининг бинолари ва хоналарини жиҳозлаш

31. Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар округ сайлов комиссияларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган бинолар, мажлис заллари, хоналар ҳамда асбоб-ускуналарни бепул бериб туриши шарт.

Округ сайлов комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан камида саккизта хонадан иборат бино билан, шунингдек транспорт, алоқа воситалари ва Интернет тармоғига уланиш имконияти билан таъминланади.

32. Округ сайлов комиссиялари жойлашган бинолар тегишли тарзда жиҳозланиши ва қуйидагиларга эга бўлиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг устида ва ичида);

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби (бинонинг ичида);

сайлов округининг тартиб рақами ва номи кўрсатилган пешлавҳа;

қулфланадиган сейф ёки металл шкаф;

зарур мебеллар, оргтехника воситалари (компьютер, ноутбук, принтер, сканер, нусха кўчирувчи ускуна, UPS), телефон, телевизор;

иккитадан кам бўлмаган СЖБАТ талабларига жавоб берувчи компьютер ва уларга керакли бўлган мосламалар (UPS, принтер, сканер ва бошқалар) ҳамда узлуксиз Интернет алоқаси ва ҳ.к.;

видеоконференция алоқалари учун видеомонитор, микрофон ва акустик қурилмалар;

муқобил электро энергия ишлаб чиқарадиган генератор қурилмаси;

ёнғинга қарши воситалар.

Округ сайлов комиссияси жойлашган бино ва унга олиб борувчи йўлаклар озода ва таъмирланган, ёритиш мосламалари ўрнатилган бўлиши керак.

33. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли маълумотлар жойлаштириладиган стендларда қуйидагилар жойлаштирилади:

сайлов санасига бағишланган плакат (Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига___кун қолди);

сайлов округининг харитаси;

округ сайлов комиссиясининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали ҳақидаги ахборот;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг Марказий сайлов комиссияси томонидан нашр қилинган таржимаи ҳоли ва дастури;

Марказий сайлов комиссиясининг мурожаатлар учун ташкил этилган ижтимоий тармоқлардаги каналлари, электрон манзили ва ишонч телефонлари;

вилоят суди ва прокуратураси телефон рақамлари;

сайловга оид инфографик ва схемали кўринишдаги тушунтириш материаллари.

34. Округ сайлов комиссияси хонасида қуйидагилар бўлиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Сайлов кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонун ҳужжатлари тўплами;

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, низом ва йўриқномалари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашлари ва Вазирлар Маҳкамасининг расмий нашрлари (газеталари);

сиёсий партияларнинг Низоми (Устави) ва дастурлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли ҳамда сайловолди платформалари (дастурлари);

округ сайлов комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси ва навбатчилик жадвали.

35. Стендларда жойлаштириладиган материалларда сайловолди ташвиқотига оид нишон ва аломатлар бўлмаслиги керак.

36. Округ сайлов комиссиясига олиб борувчи йўлларда сайлов округининг кўрсаткичлари кўринарли жойларга жойлаштирилган бўлиши керак.

37. Округ сайлов комиссияси биносига кириш жойида ногиронлиги бўлган шахслар аравачасига мослаштирилган нишаб йўлаклари (пандуслар) бўлиши (ғилдиракли аравачалар чиқишига мўлжалланган махсус йўлак) ва уларнинг белгиланган талабларга (эни камида 90 сантиметр, чиқиш бурчаги 300 дан кўп бўлмаган) мос келиши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари округ сайлов комиссиялари жойлашган биноларини таъмирлайди ва сайлов жиҳозлари билан таъминлашга кўмаклашади.

38. Округ сайлов комиссияси компьютерларини Интернет тармоғига улаш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари кўмагида амалга оширилади.

39. Округ сайлов комиссиясида юритиладиган иш юритиш жилдлари:

округ сайлов комиссиясининг қарорлари, баённомалари ва далолатномалар дафтари ҳамда жилди;

кириш, чиқиш ҳужжатларини рўйхатга олиш дафтари ва жилди;

кузатувчиларни рўйхатга олиш дафтари.

VII боб. Сайлов бюллетенларини олиш ва тақсимлаш

40. Округ сайлов комиссияси сайловга қирқ кун қолгунга қадар тегишли органлардан сайлов округи ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг миллий мансублигига кўра аҳоли сони тўғрисидаги маълумотларни туман ва шаҳарлар кесимида сўраб олади.

Давлат органлари уч иш кунида сўралган маълумотларни округ сайлов комиссиясига тақдим этади.

41. Округ сайлов комиссияси олинган маълумотларни умумлаштиради ҳамда сайлов округи ҳудудида туман ва шаҳар кесимида истиқомат қилаётган кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда сайлов бюллетенларини тайёрлашга эҳтиёжни аниқлайди.

42. Округ сайлов комиссияси сайловга ўттиз беш кун қолгунга қадар бошқа тилларда тайёрлаш зарур бўладиган сайлов бюллетенларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади.

43. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ҳамда матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

44. Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганида нашр этилади.

Сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси Брайль алифбоси асосида тўлдириш учун тайёрланган трафарет билан округ сайлов комиссиялари орқали участка сайлов комиссияларини таъминлайди.

45. Округ сайлов комиссиялари сайлов участкалари чегараларида истиқомат қилаётган аҳолининг миллий мансублиги тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда сайлов бюллетенларини тегишли тиллар бўйича сайлов участкаларига тақсимлайди.

46. Округ сайлов комиссиялари қуйидагиларни участка сайлов комиссияларига етказиб берилишини таъминлайди:

сайлов участкасидаги сайловчилар умумий сонининг беш фоизи миқдорида сайлов бюллетенларини муддатидан олдин овоз бериш бошланишига камида уч кун қолганда;

сайлов бюллетенларининг 95,5 фоизини овоз бериш кунига камида уч кун қолганида.

Берилган ва олинган сайлов бюллетенлари сонини мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги далолатномада тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд комиссия котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

47. Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонига қўшимча ярим фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

VIII боб. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш

48. Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари бўйича баённомаларни соат 20:00 дан кейин қабул қилишни бошлайди.

49. Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг баённомаси тўғри ёки нотўғри тўлдирилганлигини текширади.

50. Участка сайлов комиссиясининг баённомасида акс эттирилган, овозларни санаб чиқиш чоғида номувофиқликлар аниқланган тақдирда, округ сайлов комиссияси ўз мажлисида участка сайлов комиссиясига ушбу номувофиқликларни бартараф этишни таклиф қилади.

Участка сайлов комиссияси аниқланган номувофиқликларни ўз мажлисида қайта кўриб чиқиб бартараф қилади ҳамда янгидан тўлдирилган баённомани ўрнатилган тартибда округ сайлов комиссиясига тақдим этади.

51. Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг баённомаси тўғри тўлдирилган бўлса, баённомадаги тегишли рақамларни дарҳол мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ сайлов округи бўйича натижаларни жамлаб бориш жадвалига киритади.

52. Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёнида сиёсий партияларнинг кузатувчилари, ваколатли вакиллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳозир бўлишлари мумкин.

Мазкур жараёнда округ сайлов комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслардан бошқа шахсларнинг иштирок этиши тақиқланади.

53. Сайлов округи бўйича сайлов натижалари фақат участка сайлов комиссияларининг тақдим этган баённомалари асосида аниқланади. Округ сайлов комиссияси:

сайлов округидаги сайлов участкалари сони;

сайлов округидаги сайловчиларнинг умумий сони;

округ сайлов комиссияси олган сайлов бюллетенлари сони;

фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенларининг умумий сони;

сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сони;

овоз беришда иштирок этган (шу жумладан муддатидан олдин овоз берган) сайловчиларнинг умумий сони;

номзодларни ёқлаб берилган овозларнинг умумий сони; шундан алоҳида-алоҳида ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сонини аниқлайди.

54. Округ сайлов комиссияси мажлисида округ бўйича сайлов натижалари аниқланади ҳамда мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда тузиладиган баённомада акс эттирилади.

Баённома комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Округ бўйича сайлов натижалари тўғрисидаги баённомани имзолаш вақтида баённома мазмуни юзасидан норози бўлган комиссия аъзоси ўзининг алоҳида фикрини баённомага илова қилишга ҳақли.

Мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун округ сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов якунларига кўра сайлов округидаги дастлабки ва якуний сайлов натижаларини ўз веб-сайтида эълон қилиши мумкин.

IX боб. Округ сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш

55. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

56. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 25 октябрдаги 969-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномаси асосида амалга оширилади.

X боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш

57. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия органлари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар, сайловчилар, сайлов жараёни бошқа иштирокчилари (бундан буён матнда мурожаат этувчилар деб

юритилади) бевосита ўзлари ёки вакиллари орқали ариза, таклиф ва шикоят билан сайлов комиссияларига мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда берилиши мумкин.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъий назар, бир хил аҳамиятга эга.

58. Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида округ сайлов комиссиясининг тартиб рақами, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаатлар давлат тилида ёки бошқа тилларда берилиши мумкин.

59. Мурожаат этувчиларга, округ сайлов комиссияларига якка ёки жамоа тартибида мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

60. Мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

61. Мурожаат этувчиларнинг ёзма розилигисиз, уларнинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги шарт.

62. Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар округ сайлов комиссияси раиси томонидан комиссия аъзолари ўртасида кўриб чиқиш учун тақсимланади.

Округ сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ўтказиш даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг Сайлов кодекси талаблари бузилганлиги ёки сайловни ташкил этишнинг бошқа масалалари хусусида ўзига келиб тушган мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида текширувлар ўтказилиши мумкин.

Мурожаатларга уч кунлик муддатда, агарда сайловга камида олти кун қолганида ёки овоз бериш куни келиб тушган мурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқиб, ёзма жавоб берилади.

Мурожаатда кўтарилган масала жойида ижобий ҳал этилса, мурожаатчининг розилиги билан ёзма жавоб берилмайди.

63. Мурожаатлар қайдлов дафтарида рўйхатга олиниши лозим.

Мурожаатни қабул қилишни ва рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Округ сайлов комиссияси мурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этган тақдирда ёки мурожаатни кўриб чиқиш натижаси юзасидан мурожаат этувчи норози бўлса, Марказий сайлов комиссиясига ёки бевосита туман (шаҳар) судига ёҳуд прокуратурасига шикоят қилиши мумкин.

Округ сайлов комиссиясининг раиси мурожаатни кўриб чиқиш ва унга доир қарор қабул қилиш учун округ сайлов комиссиясини мазкур Низомнинг 62-бандида белгиланган муддатларда чақиради ва унинг мажлисини ўтказади. Мажлисга манфаатдор шахслар таклиф этилиши мумкин.

64. Округ сайлов комиссияси келиб тушган мурожаатда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколатига кирмаган тақдирда, уни мурожаат юборган шахс хабардор қилинган ҳолда уч кунлик муддатда тегишли органларга юборади.

65. Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахслар вакиллари орқали юборилган мурожаатлар, агар уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мос келмайдиган мурожаатлар.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у округ сайлов комиссияси раиси ёки раиси ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Мурожаат этувчи вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

66. Мурожаат этувчиларни, уларнинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига, сайлов комиссиялари ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.

Мурожаат этувчиларни таъқиб қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

67. Мурожаатни кўриб чиққан округ сайлов комиссияси аъзолари уни кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарор тўғрисида мурожаат юборган шахсни хабардор қилиши шарт.

68. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия органлари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар округ сайлов комиссияларининг мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ва бошқа қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида Марказий сайлов комиссиясига ёки туман, шаҳар судига шикоят қилиши мумкин.

Шикоят келиб тушган сайлов комиссияси ёки туман, шаҳар суди шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга камида олти кун қолганида эса дарҳол кўриб чиқиши керак.

Шикоят берган шахслар ўз хоҳишига кўра шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш, қўшимча далил ва исботларни тақдим этиш ҳуқуқларига эга.

69. Марказий сайлов комиссияси шикоятларни мазкур Низомнинг 62-бандида белгиланган муддатларда кўриб чиқади ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

округ сайлов комиссияси қарорини бекор қилиш юзасидан тегишли қарор қабул қилиш;

округ сайлов комиссияси қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ва такрорий текширув ўтказиш учун шикоятни юбориш;

шикоятни қаноатлантирмаслик.

Марказий сайлов комиссияси қарори устидан ушбу қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиш мумкин.

70. Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва мурожаатчига топширилиши лозим.

XI боб. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

71. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), шу жумладан ахборот тармоқларига, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланади.

72. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий иш юритишни расмийлаштириш Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 934-сон қарори билан тасдиқланган Сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш бўйича йўриқнома асосида амалга оширилади.

XII боб. Сайловга оид ҳужжатларни ва муҳрни сақлаш

73. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 939-сон қарори билан тасдиқланган Сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш, архивга топшириш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисида йўриқномага мувофиқ сақлаш учун тайёрланади ҳамда топширилади.

74. Округ сайлов комиссияси сайлов жараёнида фойдаланилган комиссия муҳри Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Давлат герби, байроғи, кабина, урна ва бошқа моддий қимматликлар тегишли равишда туман ва шаҳар ҳокимликларининг ташкилий-назорат гуруҳининг мансабдор шахсларига далолатнома асосида топширилади ва уларнинг жавобгарлигида сақланади.

XIII боб. Якуний қоида

75. Округ сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари расман эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини
ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг
фаолияти тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

ГУВОҲНОМА

_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи
_____-_____ округ сайлов комиссияси

РАИСИ

Марказий сайлов комиссияси
Раиси _____ _____
(имзо) *(фамилияси ва исми, отаси исми бош ҳарфлари)*

20__ йил «_____» _____
(МСК қарорининг қабул қилинган санаси) М.Ў.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда ҳақиқийдир.

Расм

ГУВОҲНОМА

_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи
_____-_____ округ сайлов комиссияси

РАИСИ ЎРИНБОСАРИ

Марказий сайлов комиссияси
Раиси _____ _____
(имзо) *(фамилияси ва исми, отаси исми бош ҳарфлари)*

20__ йил «_____» _____
(МСК қарорининг қабул қилинган санаси) М.Ў.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда ҳақиқийдир.

Расм

ГУВОҲНОМА

_____

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи
_____-_____ округ сайлов комиссияси

КОТИБИ

Марказий сайлов комиссияси
Раиси _____ _____
(имзо) *(фамилияси ва исми, отаси исми бош ҳарфлари)*

20__ йил «_____» _____
(МСК қарорининг қабул қилинган санаси) М.Ў.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда ҳақиқийдир.

Расм

ГУВОҲНОМА

_____

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи
_____-_____ округ сайлов комиссияси

АЪЗОСИ

Марказий сайлов комиссияси
Раиси _____ _____
(имзо) *(фамилияси ва исми, отаси исми бош ҳарфлари)*

20__ йил «_____» _____
(МСК қарорининг қабул қилинган санаси) М.Ў.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда ҳақиқийдир.

Расм

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини
ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг
фаолияти тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

МАНДАТ №___

_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ **дан**
(Манфаатдор ташкилотлар номи)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида
___ - _____ сайлов округи бўйича
(Округ тартиб рақами ва номи)

КУЗАТУВЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи
___ _____
(Округ тартиб рақами ва номи)

округ сайлов комиссияси раиси _____ _____
(имзо) *(Ф.И.Ш.)*

20__ йил «____» _____ҳақиқийдир.

Расм

20___ йил «____» _____ *М.Ў.*
(ОСК қарорининг қабул қилинган санаси)

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда ҳақиқийдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини
ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг
фаолияти тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Округ сайлов комиссиясининг гербли резина муҳр
Намунаси

Округ сайлов комсиссиясининг гербли резина муҳри диаметри 45 мм. айлана шаклда бўлиб, марказдан 22,5 мм. узоқликда асосий айлана ва ундан 1 мм. масофада яна бир айлана ўтказилган. Иккинчи айлана тагида айлана бўйича “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti saylovini o‘tkazuvchi Toshkent okrug saylov komissiyasi 14”* ёзуви бор. Ушбу матннинг тагидан яна бир ички айлана ўтказилган бўлиб, айлананинг ичида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси номи ва тартиб рақами Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини
ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг
фаолияти тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Сайлов бюллетенлари ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этиш тақсимоти

№	Ҳудуд номи	Ўзбек тилида	фоиз	Рус тилида	фоиз	Қорақалпоқ тилида	фоиз
1.							
2.							
3.							
4.							
5.							
6.							
7.							
8.							
9.							

_____
(округ сайлов комиссиясининг номи)
округ сайлов комисссияси раиси

_____ _____
(Ф.И.О.) *(имзо)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини
ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг
фаолияти тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

20___ йил “___” октябрь _____

(манзил)

_____округ сайлов комиссияси _____ участка
(округ сайлов комиссиясининг номи)

сайлов комиссиясига _____дона сайлов бюллетенларини топширди.

Сайлов бюллетенларини топширдим:

_____**округ сайлов комиссияси раиси,**
(округ сайлов комиссиясининг номи)

раис ўринбосари, котиби _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Сайлов бюллетенларини қабул қилдим:

____**участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари, котиби**
_____
(имзо) (Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини
ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг фаолияти
тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи _____-округ сайлов комиссиясининг сайлов округи бўйича натижаларни жамлаб бориш

ЖАДВАЛИ

САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ТАРТИБ РАҚАМИ	1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.1	7.2	7.3	7.4	7.5	8.
	Сайлов участкасидаги сайловчиларнинг умумий сони	Участка сайлов комиссияси олган сайлов бюллетенлари сони	Сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сони	Муддатидан олдин овоз берган сайловчилар сони	Овоз беришда иштирок этган сайловчилар сони (сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари)	Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб, бекор қилинган сайлов бюллетенларининг умумий сони	_____ни Номзодни ёқлаб овоз берганлар сони	_____ни Номзодни ёқлаб овоз берганлар сони	_____ни Номзодни ёқлаб овоз берганлар сони	_____ни Номзодни ёқлаб овоз берганлар сони	_____ни Номзодни ёқлаб овоз берганлар сони	Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сони
№1												
№2												
№3												
№4												
№5												
№6												
№7												
№8												
№...												
Сайлов округи бўйича жами												

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини
ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг
фаолияти тартиби тўғрисидаги низомга
7 - ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

20___ йил «__»_____

_____ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ

БАЁННОМАСИ

_____округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 22, 95-моддаларига мувофиқ _____та сайлов участкаларида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларига асосан _____сайлов округи бўйича қуйидагиларни аниқлади:

1. Сайлов округидаги сайловчиларнинг умумий сони _____
2. Округ сайлов комиссияси олган сайлов бюллетенлари сони _____
3. Муддатидан олдин овоз берган сайловчилар сони _____
4. Сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сони _____
5. Овоз беришда иштирок этган сайловчилар сони _____
6. Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенларининг умумий сони _____
7. Ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони:

№	Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (алифбо тартибида)	Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни ёқлаб берилган овозлар сони	Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни кўрсатган сиёсий партиянинг номи
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			

8. Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сони _____.

Комиссия раиси _____ _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)
Комиссия раисининг ўринбосари _____ _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)
Комиссия котиби _____ _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)

Комиссия аъзолари:

_____ _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)
_____ _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)
_____ _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)
_____ _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)
_____ _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)
_____ _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)
_____ _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)
_____ _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)

Баённома 20___ йил «____»_____да тузилди. М.Ў.

ЭСЛАТМА:

Баённома тўлдирилгач, округ сайлов комиссияси белгиланган тартибда унинг биринчи нусхасини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади.

Баённоманинг биринчи нусхасига сайлов натижалари аниқланаётганда ҳозир бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кузатувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан ҳозир бўлган кузатувчилар рўйхати илова қилинади.

Баённоманинг иккинчи нусхасига комиссия аъзоларининг алоҳида фикри (агар мавжуд бўлса), овоз бериш чоғида ёки овозлар ҳисоблаб чиқилаётганда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан комиссия номига келиб тушган мурожаатлар, мазкур мурожаатларга доир комиссия хулосалари илова қилинади.

Баённоманинг 5-бандида кўрсатилган сон баённоманинг 7-банди 1,2,3 ва 4-сатрлардаги ва 8-банддаги сонлар йиғиндисига тенг (5-банд = 7-банднинг сатрлар йиғиндиси + 8-банд) бўлиши лозим.